

CHORVACHILIK VA NASLCHILIK ISHI

ISSN-2181-9459

Ilmiy-amaliy jurnal

№01 2022

– Чорвачилик айримлар ўйлаганидек оддий иш эмас, балки бунинг учун ҳам билим керак. Илмсиз қўйни ҳам, қорамолни ҳам кўпайтириб бўлмайди. Масалан, ўзим бундан роппа-роса 14 йил илгари 20 бош қўйни бозордан олиб ишга киришгандим, тажрибали чўпонлару олимларнинг маслаҳати билан чорвам икки минг бошдан ошди. Ўқиш, ўрганишдан, энг зўр қўчқорлари бор кишилар билан ҳамсухбат бўлишдан ҳамон тўхтаганим йўқ. Йилқига астойдил меҳр қўйган, чавандоз бўлишни орзу қилаётган ўғилларимни ҳам билимли бўлишга ундаяпман, – дейди наслчилик борасида оҳангаронлик чорвадорларга ўрناк бўлиб меҳнат қилаётган Бахтиёр Бобораҳимов.



Таҳрир хайъати:

Х.Юнусов – профессор, б.ф.д.,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор,
СамВМИ ректори
А.Даминов – в.ф.д., профессор
Ш.Умаров – қ.х.ф.д., профессор
Ш.Джабборов – в.ф.д., профессор
Н.Бобокулов – қ.х.ф.д., профессор
Д.Холмирзаев – қ.х.ф.д., профессор
М.Достмухаммедова – қ.х.ф.д., профессор
Р.Турганбаев – қ.х.ф.д., профессор
Н.Юлдашов – в.ф.д.
Н.Рўзиев – қ.х.ф.д.
У.Соатов – қ.х.ф.д.
Э.Шаптаков – қ.х.ф.д.
М.Омонов – б.ф.д.
Ш.Амиров – қ.х.ф.н.
А.Нурматов – қ.х.ф.н.
Б.Бойбулов – қ.х.ф.н.

Бош муҳаррир: Абдунаби Алиқулов

Дизайнер: Хусан Сафаралиев

Муассислар:

“Agrozoovetservis” МЧЖ,
“Chorvador-Gazetasi” МЧЖ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2018 йил 23 февралда
0920-ракам билан рўйхатга олинган

Нашр индекси: 1308

Манзилимиз: 100022, Тошкент шаҳри,
Қушбеги
кўчаси, 22-уй. Тел.: 99 307-01-68.

E-mail: chorvador@list.ru

Босишга рухсат этилди: 18.02.2022. Бичими
60x84¹/₈. Офсет усулида чоп этилди. 6,0 б.т.

Адади 450 нусха.

Буюртма № . Баҳоси келишилган нархда.
№01 (24) 2021.

«PRINT MAKON» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
25 мавзе, 47-уй, 45-хонадон.

Тасанно

А.Алиқулов – Омадни жилавланган одам 3

Чорвачилик

Ш.К.Амиров – Ўзбекистонда чорвачилик ҳолатининг
“SWOT” таҳлили 6
Р.Г.Пардаев, Б.Ш.Бойбулов – Тажриба гуруҳларидаги
букачаларнинг сўйим кўрсаткичлари 11
М.Т.Ахтамова, Ш.Қ.Амиров, Ш.Т.Гаппаров – Голштин зотли
урғочи таналарни уруғлантириш ёшигача ўстириш
натижалари 13

Қўйчилик

Н.Р.Рўзиев, Б.Б.Шаюсупов – Турли муддатларда туғилган
гўштдор-сержун қўзиларнинг озукани маҳсулот билан қоплаш
хусусиятлари 15
Г.Т.Ахророва, Д.Ю. Абдузоирова – Қорақалпоқ қоракўли Нурота
адирлари шароитида 17
Д.Т. Ризаева, Т.О. Икромов, Б. Уроқов – Қора қоракўл
қўзиларда баъзи селекцион белгиларнинг ирсийланиши ва генетик
параметрлари 20

Туячилик

Р.У.Турганбаев, С.Мавланов, А.Т.Есимбетов, А.К.Тлеумуратов
– Бир ўрқачли туялар жун маҳсулдорлигининг ёши ва жинсига
боғлиқлиги 24

Паррандачилик

В.Қ.Алимбаев, Д.Ибрагимов, Ҳ.А.Ерматов – Ёллик қал’а ҳудудida
urchitiloyotgan “Lomann braun-klassik” va “Lomann sendiy” tovuq
krosslarining tuxum maxsuldorligi 26

Асаларичилик

Т.П.Ахмедов, М.Б.Махаммадалиев – Интенсив боғдорчиликда
гилос гулларини асаларилар билан чанглатилганда, унинг
мева сифатига таъсири 28

Озуқа

А.А.Нурматов, А.С.Собирхонов, О.Шарипов – Сомондан
самарали фойдаланишнинг инновацион усуллари 31
Б.Бекчанов, Т.Маматов – Чўл яйловларини яхшилашда
чўғоннинг “Жайхун” нави аҳамияти 34
В.Давлатназаров, В.Ҳахуаев, Е.Шаптак, З.Суйунова –
Ratsion tarkibida kletchatka miqdorining ozuqalar hazmlanishiga
ta’siri 36
А.А. Нурниёзов – Самарқанд вилояти балиқчилик
хўжаликлари озукабоп ўсимликлари 38

Пиллачилик

У.Ақил, Ж.Тўйчиев, М.Солиева – Тут ипак қуртининг
саноатбоп дурагай тухумларини баҳорда жонлантириш 40
А.Т.Рахмонов – Комплекс препарат билан боқилган ипак
қуртларининг ўсиш динамикаси ва пилла маҳсулдорлиги 42
М.Ғофурова – Ипак қурти пуштдорлиги ва озукани
ўртасидаги боғлиқлик 44
Сарҳисоб 46

Organik moddalarning hazmlanish koeffitsientini aniqlash bo'yicha tajriba natijalari

№	Ko'rsatkich	Organik modda		Nazorat guruhi		Tajriba guruhi	
		%	kg	Ozuqa miqdori, kg	Organik modda, kg	Ozuqa miqdori, kg	Organik modda, kg
1	Beda pichani	75,14	0,75	4,00	3,01	3,00	2,25
2	Bug'doy somoni	76,95	0,77	5,00	3,85	2,00	1,54
3	Makka silosi	20,86	0,21	12,00	2,50	17,00	3,55
4	Qand lavlagi	21,08	0,21	4,00	0,84	4,00	0,84
5	Bug'doy kepagi	79,88	0,80	1,00	0,80	1,00	0,80
6	Arpa yormasi	82,48	0,82	1,00	0,82	1,00	0,82
7	Jami berilgan, kg				11,82		9,81
8	Qoldiq ozuqa tarkibida, kg			1,05	0,57	0,91	0,48
9	Jami iste'mol qilindi, kg				11,25		9,33
10	Tezak tarkibida, kg			23,04	5,07	19,00	3,53
11	Hazm bo'lgan, kg				6,18		5,80
12	Hazmlanish koeffitsient, %				54,95		62,13

ba jarayonida bir xil sharoitda boqilib kelindi. Oziqlantirish ratsionlari asosan quyidagi ozuqalardan tashkil topgan edi: dag'al ozuqalar – beda pichani va bahorgi bug'doy samoni; shirali ozuqalar – makkajo'xori silosiva qand lavlagi; konsentrat ozuqalar – bug'doy kepagi va arpa yormasi, hamda mineral qo'shimchalardan osh tuzi va diammoniy fosfatdan foydalanildi. Shuni ta'kidlash joizki, ikki guruhlar uchun ham ratsionlar me'yor talablariga asosan tuzilgan bo'lib, konsentrat ozuqalar bir xil miqdorda kiritilgan, ammo ratsion strukturasi bo'yicha hajmli ozuqalar farqli ravishda kiritilgan bo'lib, nazorat guruhida quruq modda tarkibida xom kletchatka 30% tashkil etilgan bo'lsa, tajriba guruhida bu ko'rsatkich 25% ni tashkil etgan.

Organik moddalarning hazmlanish koeffitsientini aniqlash uchun tahliliy ishlar Samarqand veterinariya meditsinasi instituti "Hayvonlarni oziqlantirish texnologiyasi va zoogigiyena" kafedrasi laboratoriyasi sharoitida o'rganildi. Ye.P.Petuxova (1981) uslubiyotlariga asosanib, ozuqalar namunalari tarkibida namlik Naberthern rusumli universal quritkich shkafida 130° C issiqlikda 30-40 daqiqada quritish yo'li bilan aniqlandi. Namligi aniqlangan namunalar ozuqaning quruq moddasi sifatida qabul qilindi. Namunalar tarkibida organik moddani aniqlash uchun, quruq modda miqdoridan saqlanadigan xom kul miqdori ayirmasi bilan aniqlandi. Bunda xom kulni aniqlash uchun namunalar Naberthern GmBH rusumli mufel pechkasida 450-500 °C issiqlikda 30-60 daqiqa kuydirish yo'li bilan o'rganildi.

Sog'in sigirlar uchun ozuqa me'yorlari va ratsion tarkibi A.P.Kalashnikov (2003) ma'lumotlari asosida tuzildi.

Natijalar va ularning tahlili. Tajriba ostida bo'lgan sog'in sigirlar ratsioniga kiritilgan ozuqalar, yeyilmay qolgan ozuqalar va tezak tarkibidagi namlik, quruq modda, xom kul va organik moddalarning miqdori 1-jadvalda keltirilgan.

Keyingi 2-jadvalda organik moddalarning hazmlanishini o'rganish bo'yicha olib borilgan tajriba natijalari keltirilgan.

Tajriba natijalari shuni ko'rsatdiki, nazorat guruhida jami ratsion tarkibini 11,82 kg quruq modda tashkil etgan. Ushbu guruhda 1,05 kg ozuqa qoldig'i qolib, uning tarkibida 0,57 kg organik modda borligi aniqlandi. Demak, iste'mol qilingan organik modda 11,25 kg ni tashkil etgan. Hazm bo'lgan

organik moddani aniqlash uchun, iste'mol qilingan miqdordan tezak tarkibi bilan ajralgan organik miqdorni ayirish yo'li bilan aniqlandi. Bunda tezak miqdori 23,04 kg bo'lib, jami hazm bo'lgan organik modda 6,18 kg ni tashkil etib, hazmlanish koeffitsienti 54,95% ga teng bo'ldi.

Ushbu ko'rsatkichlar tajriba guruhida quyidagicha bo'lgan: ratsion tarkibida organik modda – 9,81 kg; 0,91 kg qoldiq ozuqa tarkibida organik modda – 0,48 kg; iste'mol qilingan organik modda – 9,33 kg; 19 kg tezak bilan ajralgan organik modda – 3,53 kg; hazm bo'lgan organik modda – 5,80 kg va hazmlanish koeffitsienti – 62,13%.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, tajriba guruhida organik moddalarning hazmlanish koeffitsienti nazorat guruhiga nisbatan 7,18% ga yuqori bo'lgan.

Xulosalar. Shuni ta'kidlash joizki, qishloq xo'jalik hayvonlarini oziqlantirishda ularning sog'ligini saqlash, ko'zda tutilgan miqdorda sifatli mahsulot olish, ularning reproduktiv imkoniyatlarini saqlab qolish va ishlab chiqarishning iqtisodiy samaradorligi yuqori bo'lishini ta'minlash uchun me'yor asosida oziqlantirishning ahamiyati katta o'rin tutadi.

Shu sababli, biz o'tkazgan tajriba natijalari asosida shunday xulosa qilish kerakki, sog'in sigirlarni me'yor asosida oziqlantirishda, ratsionda quruq modda tarkibidagi xom kletchatkaning miqdori 25% atrofida bo'lishi maqsadga muvofiq. Ushbu miqdor 30% ga teng bo'lganda, ratsion tarkibidagi organik moddalarning hazmlanish koeffitsienti 7,18% ga kamayadi. Buning asosiy sababi, xom kletchatka boshqa to'yimli moddalarga nisbatan qiyin hazmlanadigan bo'lib, uning me'yordan oshib ketishi natijasida organik moddalarning hazmlanishini qiyinlashadi va ratsioning umumiy energetik qiymatini pasaytiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Петухова Е.П. Зоотехнический анализ кормов. М. Колос, 1981, - 255 с.
2. Калашников А.П. и др. Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных. М. Россельхозакадемия, 2003, -359 с.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БАЛИҚЧИЛИК
ХЎЖАЛИКЛАРИ ОЗУҚАБОП ЎСИМЛИКЛАРИ

УДК 581.526:001.4.633

А.А. Нурниёзов, Биотехнология факультети декани,
б.ф.ф.д., (PhD), доцент

А.П. Искандеров,

Биотехнология мутахассислиги 2 босқич магистранти,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Аннотация. Большая часть гидрофильных растений поедается травоядными рыбами. Эти растения широко распространены в водохранилищах и рыболовных прудах. Кормовые виды составляют значительную часть гидрофильной флоры Самаркандской области.

Annotation. Most of the hydrophilic plants are eaten by herbivorous fish. These plants are widely distributed in reservoirs and fish ponds. Forage species make up a significant part of the hydrophilic flora of the Samarkand region.

Калит сўзлар: озуқабоп ўсимликлар, Самарқанд вилояти, сув ҳавзалари, тарқалиши, хилма-хиллиги.

Гидрофил ўсимликлар озуқабоп, доривор, витаминли, ошловчи моддали қурилишбоб ва бошқа кўплаб аҳамиятли ўсимликларни ўз ичига олади. Йилдан-йилга ўсимлик хомашёларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бу ўринда гидрофил ўсимликларнинг аҳамиятини икки гуруҳга: сув ва сувбўйи ўсимликларини табиатдаги аҳамияти ҳамда бу ўсимликларни кишилар хўжалигидаги аҳамиятига ажратилади.

Кўпчилик сув-ботқоқ ўсимликлари ўтхўр балиқлар учун қимматли озуқа ҳисобланади (Веригин, 1963; Строганов, 1959). Бу ўсимликлар оқ амур балиғининг асосий озуқаси ҳисобланади.

К.З. Золотова (1966) сув ботқоқ ўсимликларининг оқ амур балиғи томонидан истеъмол қилиниш даражасининг микдорий кўрсаткичларини ўрганган. Бу олимларнинг маълумотларига кўра, қуйидаги сув ўсимликлари балиқлар томонидан яхши истеъ-

мол қилинади: *Potamogeton pectinatus*, *P. filiformis*, *Lemna minor*, *L. trisulca*, *Spirodela polyrhiza*, *Sagittaria sagittifolia*, *Typha latifolia*, *Glyceria aquatica*, *Gl. fluitans*, *Butomus umbellatus*, *Elodea canadensis*, *Chara fragilis*, *Ceratophyllum demersum*, *Rhizoclonium* sp.

В.К. Пашкевич, Б.С. Юдин (1978) маълумотларига кўра, қамиш билан 85 тур умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонлар озикланади, қаламибарг билан 65 тур, кенг баргли қўға билан 56 тур, ингичкабарг қўға билан 16 тур, зубтурумбарг булдуруқўт билан 34 тур, ўкбарг ўсимлиги билан эса 25 тур ҳайвон доимий озикланади. Худди шундай сузувчи рдест ўсимлиги билан 51 тур, ялтирок рдест билан 35 тур ва тўлқинсимон рдест билан эса 19 тур ҳайвон озуқавий боғлиқликка эга. Рдестларнинг ўсимликлар жамоасида маҳсулдорлиги энг юқори ҳисобланиб, 500 гр/м² га тенг.

1-жадвал.

Сув амборлар гидрофил флораси таркиби

№	Ўсимликлар турлари	Ҳаётий шакли	Сони (Друде бўйича)	Яруси
Гидрофитлар				
1	<i>Zannichellia palustris</i> L.	Кўп йиллик	Sp	I
2	<i>Najas marina</i> L.	Кўп йиллик	Sp	I
3	<i>Ceratophyllum demersum</i> L.	Кўп йиллик	Sp	I
4	<i>Potamogeton perfoliatus</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
5	<i>Myriophyllum spicatum</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
Геллофитлар				
6	<i>Phragmites australis</i> (Cav) Trin.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
7	<i>T. laxmannii</i> Lepech.	Кўп йиллик	Sol	II
8	<i>T. angustata</i> Bory & Chaub.	Кўп йиллик	Sp	II
Гигрофитлар				
9	<i>Cynodon dactylon</i> Pers.	Кўп йиллик	Sp	I
10	<i>Glyceria plicata</i> Fries.	Кўп йиллик	Sp	II
11	<i>Poa trivialis</i> L.	Кўп йиллик	Sp	II

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, сув ўсимликлари таркиби жиҳатидан бошқа озуқабоп экинлардан қолишмайди.

Тадқиқотларимиз Самарқанд вилоятининг турли типдаги сув хавзаларида гидрофил ўсимликларни тадқиқ этиш ҳамда балиқчилик ва сув ҳайвонлари учун уларнинг озуқабоп турларини ўрганишга бағишланган.

Самарқанд вилоятидаги Каттакўрғон, Окдарё, Қорасув сув омборида юксак сув ўсимлик турлари сони ва миқдори кам эканлиги билан характерланади. Вилоятдаги сув омборларда балиқчилик ҳўжаликлари ташкил этилган. Сув омборлар дарёдаги ва мавсумий селлардан ҳосил бўладиган ортикча сувларни тўплашга ихтисослашган бўлиб, уларнинг сув сатҳи доимий эмас. Ҳатто айрим йиллари баъзи сув омборларидаги сув кескин камайиб кетади. Шунинг учун сув омборларида доимий флора мавжуд бўлмайди. Бироқ дарёдан ва бошқа сув хавзаларидан сув ўсимликларининг оқиб келиши ҳисобига айрим турлар ўсиб ривожланади (1-жадвал).

Сув омборлари учун характерли турларга қуйидагилар мисол бўлади: гидрофитлар - *Zannichellia palustris* L., *Najas marina* L., *Ceratophyllum demersum* L., *Potamogeton perfoliatus* L., *Myriophyllum spicatum* L.; геллофитлар - *Phragmites australis* (Cav) Trin.,

Typha laxmannii Lepech., *T. angustata* Bory & Chaub., *Cynodon dactylon* Pers., *Glyceria plicata* Fries., *Poa trivialis* L.

Сув омборлари сув таркибида эриган тузлар миқдори бошқа сув хавзаларига нисбатан кўпроқ бўлиши боис жадвалда келтирилган турлар шўр сувда ўсишга мослашган ўсимликлар ҳисобланади. *Najas marina* L., *Ceratophyllum demersum* L., *Potamogeton perfoliatus* L., *Myriophyllum spicatum* L. кабилар балиқлар учун кимматбаҳо ем-хашак ўсимликлари ҳисобланади. Уларни кўпайтириш ва балиқчиликка тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида балиқчиликка кенг эътибор берилаётганлиги боис балиқ боқиладиган ҳовузлар кўплаб ташкил этилмоқда. Пайариқ, Иштихон, Каттакўрғон, Самарқанд ва Пастдарғом туманларида анча илгаридан ҳовуз балиқчилиги билан шуғулланиб келинган. Бундан кўринадики, вилоятда балиқ боқиладиган ҳовузларнинг гидрофил флораси анча мукамал шаклланган. Балиқчилик ҳовузлари флораси сув омборлари флорасига нисбатан ўхшаб кетиши билан характерланади (Нурниёзов ва бошқ., 2021).

Балиқ боқиладиган ҳовузлар суви асосан дарё, сойлар, ариқ ва каналлардан ҳамда ер ости сизот сувлари орқали тўйинтирилади. Шунга боғлиқ ҳолда

2-жадвал.

Балиқчилик ҳовузлари гидрофил флораси таркиби.

№	Ўсимликлар турлари	Ҳаётий шакли	Сони (Друде бўйича)	Яруси
Гидрофитлар				
1	<i>Potamogeton pectinatus</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
2	<i>P. crispus</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
3	<i>P. natans</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
4	<i>Najas marina</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
5	<i>Ceratophyllum demersum</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
Геллофитлар				
6	<i>Typha laxmannii</i> Lepech.	Кўп йиллик	Cop ²	II
7	<i>T. minima</i> Funck.	Кўп йиллик	Cop ¹	III
8	<i>T. angustata</i> Bory & Chaub.	Кўп йиллик	Cop ¹	II
9	<i>Phragmites australis</i> (Cav) Trin.	Кўп йиллик	Cop ²	I
10	<i>Schoenoplectus lacustris</i> (L.) Palla.	Кўп йиллик	Cop ²	IV
11	<i>Bolboschoenus maritimus</i> (L.) Palla.	Кўп йиллик	Cop ²	IV
12	<i>Rorippa palustris</i> (L.) Besser.	Кўп йиллик	sp	IV
Гигрофитлар				
13	<i>Cynodon dactylon</i> Pers.	Кўп йиллик	Cop ²	IV
14	<i>Glyceria plicata</i> Fries.	Кўп йиллик	Cop ²	IV
15	<i>Trachomitum scabrum</i> (Russanov) Pobed.	Бир йиллик	Cop ¹	I
16	<i>Epilobium hirsutum</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	II
17	<i>Plantago major</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	V
18	<i>Mentha longifolia</i> (L.) L.	Кўп йиллик	Cop ¹	III